

161

ХИРМОНИМ БАРАКАЛИ БЎЛСИН ДЕСАНГ, ҲОСИЛГА-ҲОСИЛ ҚЎШ!

БУТЎН ДҲНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ!

ТОШКЕНТ
ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЪ КОМИТЕТЛАРИ,
ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЪ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 161 (2452). 18 август, якшанба, 1963 йил. Баҳоси 2 тийин.

АЛМАШИНАДИГАН САҲИФАЛАР

«Тошкент ҳақиқати» газетаси алмашиниб турадиган махсус саҳифаларининг навбатдаги сони чиқди. Бугунги якшанба сонининг иккинчи бети икки хил нусхада босилди.

Саноат ходимлари учун мўлжалланган саҳифада «Июл бугун» умумий сарлавҳаси остида берилган материалда «Ташавтомаш» заводи меҳнат ва иш ҳақи бўлимининг бошлиғи, штатсиз мухбиримиз В. Шаберт ва мухбиримиз Т. Мирҳодиев ўртоқлар «Ташавтомаш» заводи коллективи етти йилликнинг дастлабки йилига нисбатан ялпи маҳсулот

сулол ишлаб чиқаришнинг уч баравар, пахтани қоп-чанорсиз ташидиган принциплар тайёрлашни 70 марта кўпайтириш йўлида қилаётган фидокорона меҳнатлари ҳақида ҳикоя қилади.

Қишлоқ хўжалик ходимларига мўлжалланган саҳифа эса Юқори Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Правда» колхозини луб-корларининг «Қўн олтин» етиштиришда эришган улкан муваффақиятларига бағишланган.

ҲОСИЛНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШГА ТАЙЁРМИСИЗ

Йигирм-терим пахта учун бошланган умумхалқ курашининг ҳал қилувчи давридир. Шу муносабат билан пахта тозалаш заводлари ҳамда тайёрлов органларининг кўп сонли коллективлари олдидан ғоят катта ва масъулиятли вазифалар турибди. Бу йилги етиштирилган ҳосилнинг 107 миң тоннасини машиналарда териб олиш, барча «оқ олтин»нинг 90 процентини эса тайёрлов пунктларига қоп-чанорсиз етказиб беришни мўлжалламоқдамиз. Бу вазифани муваффақиятлик бажариш учун йигирм-теримгача қолган вақт ичида барча пахта заводлари, қабул қилиш пунктлари, қуритиш-тозалаш цехлари ҳар тарафлама ташт қилиб қўйилиши керак. Чунки давлатга пахта топшириш суръатини тезлаштириш кўп ҳисабдан тайёрлов органлари ходимларининг қай даражада ишлаганига боғлиқдир.

Эъжамасидеги катта масъулиятни бутун тўлалиги билан ҳис қилган пахта тозалаш заводлари ва тайёрлов пунктларининг ходимлари янги мавсумга пухта тайёргарлик кўймоқдалар. Бунга Оққўрғон, Янгийўл ва Тошкент пахта тозалаш заводлари коллективларининг ишчи мисол қилиб кўрсата бўлади. Бу корхоналарда капитал ремонт, тайёрлов пунктларини тартибга келтириш ишлари асосан тугалланди. Лаборатория асбоб-ускуналари, автотерозилар ташт қилиб қўйилди. Оққўрғон пахта тозалаш заводининг Октябр тайёргарлиги пункти бу йил беш миң тоннадан ортиқ «оқ олтин» қабул қилиб олади. Шу мақсадда қўшимча иккита бунт майдончаси қурилди, мажмуи майдончалар ремонтдан чиқарилди. Шунингдек, қишлоқ, иккита барабан, пахта қоплагич ва бошқа механизмлар ҳам сифатли ремонтдан чиқарилди. Коллектив янги ҳосилни қабул қилиб олишига тайёр.

Лекин ҳамма ерда ҳам пахта йигирм-теримига ана шундай тайёргарлик кўрилатиб, деб айтиб бўлмайди. Айрим корхоналарнинг раҳбарлари, ҳали вақт эрта, ремонт ва тайёргарлик ишларини таъминлашга эътиборини, деган кўтүрли қайғида бўлиб, ҳеч асоссиз равишда қишлоқда ишларни орқага сурмоқдалар. Ремонт ишлари графиги бўзилмаётган, бажарилаётган ишларнинг сифати устидан контроллар етарли эмас. Пахта омидалари, майдончалари, автомат торозлар, қоп-чанорсиз ташилуш ва ҳосилни қабул қилувчи, шунингдек юк ортиш ва юк тушириш ишларига мўлжалланган механизмларни ремонт қилиш ишлари чинқамасдан қилиб юборилмаган. Қуритиш-тозалаш цехларини ремонт қилиш соҳасидаги ишлар ҳам ҳали жамланган юборилмаган. Ташовхлоқ-лүброн трестининг корхона раҳбарларига нисбатан етарли даражада талабчанлик қилмаётганини сабабли бу муҳим ишда сусткашликка йўл қўйилмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг 1963 йили пахта ҳосилини териш, қабул қилиб олиш ва қайта ишлашга тайёргарлик қилиш тўғрисидаги қарорига бу соҳада қилинадиган ишларнинг анча йўл-йўлақари белгилаб беришган. Қарорда кўрсатиб ўтилганидек, пахта ҳосилини териш ва тайёрлашга йўл қўйишда ҳар тарафлама пухта ҳозирлик қилиш — барча партия, совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари, колхоз ва совхозлар ҳамда пахта тозалаш заводлари раҳбарларининг энг муҳим вазифасидир.

Йигирм-терим даври бошлангунча қодар қуритиш-тозалаш цехларининг тайёргарлигига айнқсиз алоҳида эътибор бермоқ зарур. Чунки, дегин-сочин вақтларида пахта топшириш ишлари суръатини тезлаштиришда бу цехларнинг роли беихоҳ каттадир. Бунинг учун областимиз машинасозлик заводлари, даставвал «Ўзбекхлоқ» қомаши заводи коллективи ана шу мақсад учун зарур бўлган запас қисмларни йўл қўйиб етказиб беришлари керак.

Ўтган йилларнинг аниқ тажрибаси ишчи кўрсатиб турибдики, тайёрлов органларидеги тартибсизликлар, беришчи навбатда қўшиб ёзишлар, қўли эриклик умум ишлаганига жиддий путур етказди. Шу сабабли қабул қилиш пунктларини етарли маълумот ва маълумотга эга бўлган, жоқури, софиди, садоватли қаблар билан мустаҳкамлашга жуда катта эътибор бериш керак. Қабул пунктлари, қуритиш-тозалаш цехлари, қомаши бадалари ходимларини ўқитиш, уларнинг маълумоти охириги йўлига махсус курслар очили ва бу соҳадаги ишларни бутун қоралар билан жамланган юбориш зарур.

Йигирм-терим мавсумини бошлангунча саноат қишлоқлар билан пахта заводлари ва тайёрлов органларининг ходимлари ана шу ганимат фурсатдан фойдаланиб, тайёргарлик ишларини ҳамма қоралар билан қизитиб юборишлари керак. Шунга эришайликки, қишлоқ кўчалари ичида ҳар бир пахта заводи, ҳар бир тайёрлов пункти коллективи; биз янги ҳосилни қабул қилиб олишга тайёргиз, деб рапорт берсин.



Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасидаги генерал Собир Раҳимов номи колхозининг ўртоқ Тўйдинмурод Дўсанов бошлиқ тўпқончи звеноси аъзолари ҳар гектар ердан 35 центнердан ҳосил етиштириш мақсадида август ойини зарбдор ой, деб эълон қилиб астойдил меҳнат қилмоқдалар. Ҳозир Тўйдинмуродлар звеносининг гўзаларида 10—12 тадан бўлиқ қўсак бор. Суратда: бригадаларнинг янги кўри ўртоқ Муҳид Қорабев эгтарларга ҳаёт суви тарамоқда.

Қ. РОЗНОВ ва В. СВАРИЧЕВСКИЙ.
ФОТОС (ЎзТАГ фотохроникаси).

СССР МУДОФАА МИНИСТРИНИНГ Б У Й Р У Г И

1963 йил 18 август. № 195. МОСКВА шаҳри.

Учувчи ва штурман, инженер ва техник ўртоқлар, авиация мутахассислари, авиация саноатининг ва граждон ҳаво флотининг ходимлари, ДОСААФнинг спортчи авиаторлари!

Солдат ва матрос, сержант ва старшина ўртоқлар!

Офицер, генерал ва адмирал ўртоқлар!

Бугун совет ҳалқи ва унинг Қурулди Кучлари СССР Ҳаво флотини кўннини ишонилди.

Бу йил бизнинг Ватанимиз авиация байрамини КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми қарорлари натижасида вужудга келган меҳнатдаги янги активлик ва сиёсий юксалиш заминидеги қўш оқимда. Ўзининг жоноҳон Коммунист партиясини тевағариде маҳкам жипслаган совет кишилари КПСС Программасини амалга ошириш йўлида қаҳрамонона меҳнат қилмоқдалар, етти йиллик бешиқини йилнинг пиланини муваффақиятлик бажармоқдалар, коммунизм қурилишида янги марраларни эгалламоқдалар.

Қосмонат учувчилар Валерий Федорович Бикоский ва Валентина Владимировна Терешкова бошқариб борган «Восток-5» ва «Восток-6» совет космик кемаларининг узоқ учуш ва мураккаблиги жиҳатидан мислиси бўлган учинлари совет экономикаси ва маданиятининг фани ва техникасининг янги тантамаси, социализм ва коммунизм идеялари галабасининг ёрқин далили бўлди.

Совет ҳалқининг қаҳрамонона ишлари Армия ва Флот жаңгиларини жаңговар ва сиёсий тайёргарликда янги муваффақиятларга руҳлантирмоқда. Совет Қурулди Кучлари қўшнларининг жаңговар таълим олишини муттасил таъминлаштириб, секилик Ватаниннинг муқаддас чегараларини маҳкам қўриқлаб турибдилар ва коммунизмнинг қурафшон буюсини қураётган ҳалқнинг тинч меҳнатини агар агрессор бузишга ботиса, бундан агрессорни тор-мор келтиришга ҳақиқатан тайёр бўлиб турибдилар.

Армия ва Флотнинг ҳамма жаңгилари каби

БИР ГРАММ ҲАМ ҒАЛЛА НОБУД БЎЛМАСИН

Бу йилги об-ҳаво шаронти галлакорлар учун жуда кўл келди. Ёғингарчилик кўп бўлиб дон экинлари аниқ олиб ўсди; сердон етди. Натижада областимиз галлакор хўжаликларидеги мўл-кўл дон ҳосили етиштирилди. Бу мўл ҳосилни барвақт ўриб-йигиб олиш галлакорларимиз олдиде турган энг муҳим вазифалардан бири эди. Ғалла ўрим-йигимига зўр уюшқоқлик билан киришилди. Давлат омиборларига кетма-кет янги дон ҳосили оқиб келмоқдалар.

Қ. РОЗНОВ ва В. СВАРИЧЕВСКИЙ.
ФОТОС (ЎзТАГ фотохроникаси).

Ғаллакорларимизнинг гайрати туғайли йиллик ғалла сотиш пилани областимизда биринчи августда 103,4 (шол ва маккажўҳоридан ташқари) процент бажарилиган эди.

Давлатга ғалла сотиш йиллик пиланини муваффақиятлик бажарганликлари муносабати билан КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети республика галлакорларига табрик йўллади. Бундан қайта руҳланган област галлакорлари пиланди ташқари яна 10 миң тонна дон топшириш мажбуриятини олдилар. Шу жумладан Юқори Чирчиқ бошқармаси галлакорлари 6 миң тонна, Ўрта Чирчиқ бошқармаси галлакорлари 2,2 миң тонна, Бўна бошқармаси галлакорлари 1,3 миң тонна ва бошқа ишлаб чиқариш бошқармалари галлакорлари 0,5 миң тонна дон етказиб бериш мажбуриятини олдилар. Ғалла ўрим-йигими тез суръатларда олиб борилди.

Областда бу йил ғалланинг ҳамма турлари бўйича 88,4 миң тонна дон сотиш кўзда тутилган. Шундан бугун — 34,5 миң тонна, яна — 24 миң тонна, маккажўҳори дон — 24,5 миң тонна, нўхат — 5,4 миң тонна.

Колхозчиларнинг меҳнат қишлоқларига ҳозиргача 18 миң тонна ғалла тақсимланди.

Областимизнинг галлакор хўжаликлари даласида дон ўрим-йигими ишлари уюшқоқлик билан давом эттириляпти. Давлат омиборларига ҳар кўни юзлаб тонна дон тўқиялти. 15 августгача дав-

ЯНГИЙЎЛЛИКЛАР МАЖБУРИЯТИ ИЗИДАН

ЗАРБДОРЛАР

Августнинг иккинчи ўн кўнлиги бошланганда колхозда аҳвол бироз жиддийлашиб қолди. Қўшнлар майдонларини ёвойи ўт боса бошлади. Бу — хўжалик деҳқонларини ташвишга солиб қўйди. Ахир, дегинки йўлаб кўриниб, эрта қўшнлардан бери лешона тери тўкиб етиштирилган зарни ўт босиб кетса, бунга қайси пахтакор чадаб тура олади! Юраида ўти бор кишининг ўрни ҳозир дадала — ҳосил фронтиде бўлиши, юз бераётган ҳавфнинг олдини олишга ҳисса қўйишни лозим-ди!

Правление йилини ҳам дала-ларини ёвойи ўтлардан тезроқ тозалаш тадбирларини кўришга боғишланди.

— Хотиржамлик — ҳосилга путур етказди, — тушунтириб раис Жўра ака Очлов маслаҳатга йилган қариларга. — Айрим дала-ларимизни печак, тумай енгил қўялти, Уларни тезроқ йўқотмасак, йигирм-терим даврида суръатини ҳам, сифатини ҳам пасайтиради. Бу билан даромадимизнинг бир қисмига путур етказамиз.

— Ҳа, гап, — цини қувватлади, Сарибой ота. — Дала ўтдан қанча тоза бўлса, иш ишунча енгиллашибди. Машина теринини айтмайсизми! Ўтган йилги бир воқеа ҳали эсимда. Саодат қизимиз машинаси билан қўшни бригадига теринга ўтди. Пайкал тўғига бир тушиб чиқди-да, фигини оғиб ерга тушди. Пахтани оладиган темирлар орасига ўт тўлиб қўлиб, битчи пахтани ерга тўкиб кетибди. Бу йил бунақане ҳолга йўл қўйиб бўлмайди.

— Ҳўш, қандай тақлифиниз бор? — Ўтирганлардан кимдир мурожаат қилди Сарибой отага. Ота бироз йўналиб олгач, тақлиф киритди:

— Вақт ганимат. Қўн ўтган сари ўтнинг уруғи ерга қўроқ тушибди. Келгиси йилда ҳал дала-ларимизни ўт босди. Шунинг учун коммунист комсомоллардан зарбдор бригадани тўзиб, қарога ўт бўлса, йиға ерга етиб бопиш, ўтчи тезроқ йўқотиш керак. Бошқа иш билан банд кишиларни, идораси эркакларни қисқарттириб, далага сафарбар қилсак, дейман. Сарибой отанинг тақлифи ўтчи-ганларга маъқул тушди. Шундай қилиб, колхозда эркаклардан иборат зарбдор бригада тузишга қарор қилинди.

Эртасига эрталаб сут-товар фермасининг бригадари Тўхтабой Турдубоевич идорасига қаққириб қолди.

— Гап мана бундай, — дейи раис, — кеча қариларимиз билан келишиб, зарбдор бригадани туз-моқчи бўлдик. Сени уларга бош-лиқ қилиб тайинламоқчимиз. Ибора ходимларидан, устахоналардан, монтерлардан 80 кишини мўлжаллаб қўйдик. Штаб — ибора, Ҳар кўни кечқурун табели-лар сўзиде беради. Қўшнлариде ўт кўп бўлса, йиға ерга етиб бопишлар. Правление сизларнинг унумли ишларингиз учун барча қўлайликларни яратиб беради.

Колхоздаги 16 бригададан 9 таси тўпқончи. Уларда дала ишлари дуруст ташкил этилган. Аммо қолганлариде аҳвол бироз чатоқ. Қўмак қўлини чўзмаса бўлмайди. Зарбдорлар ишчи Пирмат Давлатов бошлиқ бригададан бошлайди. Бу ерда 40 гектарга яқин гўзани ўт босган. Мажбурият ҳақ чакки эмас — 85 гектарнинг ҳар гектаридан 31,5 ўрнига 34 центнердан ҳосил етиштирилиши лозим. Бригада аъзоларининг яримдан кўпи сўғоришга жалб этилган. Ўт шошириб қўялти.

Орадан 3 кўн ўтган, бригадани далага ўтдан тозаланди.

— Ҳа, зарбдорлар бригадаси қўл келди, — хурсандчилик билан дейди Пирмат ака. — Ўз кўшимиз билан ҳали-бери ўтдан қўтилишимиз қўшн эди.

Шундай, «Қўшн Октябр» колхозда ташкил этилган зарбдорлар бригадаси самарали ишляпти. Бригада аъзоларининг кўчи билан кўнига 14—15 гектар ердаги гўзани ўтдан тозаланди. Темирчилар Ҳасанбой Қўйорин, Абдуҷаббор Мўминов, монтер Мамат Назаров, правление секретири Наҳом Тошматов, касир Қаршибой Эсамназаров, дурдгор Эргаш Мардонов ўртоқлар жонбозлик билан ишлаб, бошқаларга ўрнак бўлатирилар.

З. ҚҮРТНЕЗИРОВ,
Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармаси.

ҚИММАТЛИ МАСЛАҲАТЛАР

ҲОСИЛ ОБЛАСТЪ
ПАРТИЯ КОМИТЕТИ
АЪЗОЛАРИ НАЗОРАТИДА

Янгида Тошкент қишлоқ областъ партия комитетининг аъзолари, аъзоликка кандидат бўлганлар ва областъ партия комитети тафтиш комиссиясининг аъзолари бригад-бригадаларга бўлиниб Оққўрғон ишлаб чиқариш бошқармасининг колхоз ва совхозларида бўлиб, оққўрғонликларнинг ҳосил тўплаш соҳасидаги ишлари билан батафсил танишишди. Қўлоқ хўжаликларини илгорлар даражасига кўтариш, меҳнат ҳақи тўлаш, пахтакорларга зарур шартонлар яратиб бериш масалалари ҳам областъ партия комитети аъзоларининг диққат эътиборида бўлди.

Улар жойларда булганлариде гўз парваршишни тўхтов-сиз давом эттириш юзасидан қимматли маслаҳатлар беришди.

Ўша кўни Оққўрғонда қишлоқ областъ партия комитетининг кеңгайрилган бюроси бўлди. Бюро йилигишга Оққўрғон ишлаб чиқариш бошқармаси ва партия комитетининг ходимлари, совхозларнинг директорлари, колхозларнинг раислари, бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари, қишлоқ хўжалигининг барча мутахассислари тақлиф этилганди. Бюро областъ партия комитети аъзоларининг Оққўрғондаги ишларига яқин ас-даги вазифаларини белгилаб берди.

ЙЎЛДОШ ОТА БРИГАДАСИДА

Йўлдош ота Ваҳобов бошлиқ бригада Калинин ишлаб чиқариш бошқармасидаги Ленин номи колхозининг нешқадан бригадаларидан ҳисобланади. Мўл ҳосил етиштириш ишчиси билан яшаётган бу бригадда аъзолари эрта қўшнлардан ишчи пухта ташкил этишди. Қўшнлар бригадда гўзалари оби-тобиде сувга қондирилди. Ниҳолларга ўтиричи марта ишлов бериляпти.

Ўзбаси бироз ёшидан қолётган айрим карталарда иккинчи шарт суви таралапти. Даладада ўт қўрилайсиз.

— Бу йил ҳам мажбуриятимизни бажарамиз, — дейди пенсияер, кўска коммунист Йўлдош ота Ваҳобов, — 35 центнердан «оқ олтин» дурдонаси йиғиб оламиз. Даламизда ана шунга яқинга ҳосилимиз бор. Қўшнларда, ҳар тўп гўзиде 10—15 тадан тўп қўсак бўлишига эришимиз. Ҳосилга ҳосил қўшиш давом этиляпти.

Дарҳақиқат шундай. Шижоаткор бригадда аъзолари далада астойдил гайрат кўрсатиб ишлялти.

— Н. ҲАМРОҚУЛОВ.

Шинод бўлоғи

„Ташавтомаш“ заводи машинасозлари бу йил етти йилликнинг дастлабки йилига қараганда: ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришни уч барабар, пахтани қоп-қанорсиз ташийдиган прицеплар тайёрлашни 70 марта кўпайтириш учун курашмоқдалар. Коллектив бу улкан вазифани нималар ҳисобига бажармоқчи? Ушбу саҳифада шулар ҳақида ҳикоя қилинади

ЕТТИ ЙИЛЛИК ТЕНГДОШИ

Слесарлик-йигув ҳисобини шундоқ ёнгинасида каттагина сайхон жой бор. Бу ерга келиб, бутун корхона меҳнатининг натижалари билан танишиш мумкин. Турна қатор тизилиб, сафарга тайинланган прицепларнинг сон-саногига қараб, завод машинасозлари кеча қандай ишлаганликларни ёни бутун қандай меҳнат қийметини қандай ҳақида бемалол ҳисоб қиларканларига бўлади.

Мана, бутун ҳам майдон олдидики машиналар қарбони билан лиқ тўлган. Улар шунчалик кўпки, катта майдон ҳам торлик қилаётгандек кўринади киши кўзига. Хали зағори бўғинининг ҳиди гул-гул аниқ турган ана шу прицепларга тикиласиз, ҳаётининг бир нафас яқин ўтмишга қанот қояди.

Бундан 5-6 йил муқаддам қишлоқ хўжалик техникасининг бу хил ҳақида кишилар тасаввурга ҳам эга эмас эдилар. Бутун эса пахтани қоп-қанорсиз ташийдиган мана шу прицепларни мамлакатимизнинг турли бурчакларида, «оқ олтин» далаларида учратасиз. Бу ажойиб машиналар ҳатто Болгария ва Бразилияда, Ингери ва Суданда, Сирия ва Покистонда ҳам машҳур ва манзур. Ҳамма жойда ҳам деҳқонларнинг оғирини енгил қилиб, уларга чинакам мададкор бўлаётган бу машиналар. Уни яратган конструкторларга, машинасозларга шўҳрат келтирмоқда.


«Ташавтомаш» заводи маркиси билан чиқарилган «ПТС-3-766М» прицепи Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари выставкасида намойиш қилиниб, ҳақли равишда юқори баҳо олди. Кумуш медалга сазовор бўлди. Утган йили чет элларда, жумладан Рио-де-Жанейрода ташкил этилган выставка ҳам бу прицеп юксак баҳоладди.

Заводнинг етти йиллик тенгдоши деб аталди. Лекин бу шунчаки берилган шартли ном, ҳолос. Аслида, корхонанинг каттагина тарихи бор. Улар Ватан уруши йилларида ташкил толган завод дастлаб мамлакат қудратини мустаҳкамлаш йўлида хизмат қилди. Сўнгга, то 1957 йилга қадар савдо, кейинчалик пахта тозалаш асбоб-ускуналари ишлаб чиқариш билан шуғулланди.

Лекин заводнинг ҳақиқий ҳаёти етти йилликнинг дастлабки кўнралидан бошланди. 1959 йилда корхона янги хил маҳсулот — пахтани қоп-қанорсиз ташийдиган прицеплар ва «ГАЗ-51» автомобилнинг мураккаб запас қисмларини серияли равишда ишлаб чиқаришга ўтди. Прицепларнинг республикамизда, шунингдек қардош республикаларда ҳам, пахтачиллик комплекс механизациялаш борасидаги аҳамиятини уч-тўрт оғиз сўз билан айтиб ўтиш қийин. Лекин қуйилган фактнинг ўзи унинг хўжалигимиз учун нақадар зарурлигини далолат беради.

Қисқа вақт мобайнида пахтани қоп-қанорсиз ташийдиган ўтмиш ҳисобига мамлакатимиз юзларча миллион сўмлик фойда кўрди.

Бош конструкторлик бюросига эга бўлмагани ҳолда корхонанинг меҳнатсевар коллективини фатҳат ўз кучи билан ана шундай прицеплар лойиҳасини яратди ва ўзлаштириш жараёнида уни аста-секин такомиллаштириб бори. Эндиликда ана шу ажойиб машиналар пахтакорларининг энг яқин кўмакдоши бўлиб қолди. Завод ҳам завод бўлиб эл оғзига тушди, шўҳрат топа борди. Шу босисдан корхонани етти йиллик тенгдоши деса бўлади.




Эслатма: 1959 йилда ишлаб чиқарилган прицепларнинг 300 тасигина пахтани қоп-қанорсиз ташийшга мўъалланган эди.

ЮКСАЛИШ ЙЎЛИ

Машинасозлар тўғри йўл танлашди. Улар ўз зиммаларидаги вазифанинг масъулияти ва машаққатли, лекин гоёт оқилоналигини чуқур ҳис қилганликлари ҳолда ишлаб чиқаришни замонавий техника билан қайта қуроллантириш ва меҳнати ташкил этишни такомиллаштириш эвазига унвдорлигини ошириш йўлидан борилад. Етти йилликнинг ўтган даври ичида корхонада сермеҳнати ишларни механизация гардианига юклаш соҳасида жуда кўп тадбир амалга оширилди.

Ишчилар, конструкторлар, технологлар, мастерлар, қўйинчи, бутун коллективнинг ўз кучи билан янги асбоб-ускуналар лойиҳасини яратиб ва уларни тайёрлаб ишлаб чиқаришга жорий этиш шiori ўртага ташланди. Бу катта ишдан, олижаноб ҳаракатдан четда қолган киши бўлмади ҳисоби. Уларнинг тинмай икддий изланиши-

Коммунистик меҳнат зарбдорлари



В. НЕКРАСОВ
бригада бошлиғи

Е. БАЗИНОВА
токарь

С. МУРОДОВ
прессчи

лари, гайрат-шижоатлари билан ўтган давр ичида бу соҳада жуда кўп ишлар қилинди.

Деталь ишлайдиган тўртта, машина узелларини йиғадиган ва бўйлайдиган бешта, детални қайта ишлайдиган 16 та поток линия, умумий узунлиги 600 метр келадиган турли хил конвейерлар яратилди ҳамда ишга туширилди. 1961 йилдан бошлаб машиналарни конвейерда йиғиш ва бўйлашга ўтди. Булардан ташқари 70 дан ортқ автомат, ярим автомат, махсус ва агрегат станок ўрнатилди. Шулардан 11 таси завод коллективининг ўз кучи билан тайёрланган. Мана шу ташкилий-техникавий тадбирларнинг амалга ошуви натижасида машинасозлар жуда катта иқтисодий фойда кўрди: 310 минг сўмликдан ортқ давлат маблагга тежади.

Корхонада шу тадбирлар билангина қийофланиб қолинмади. Ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилди. Заводнинг технология жиҳатидан жиҳозланиш коэффициенти сўнгги тўрт йил ичида 2,5 марта ошди. Технологик асбоб-ускуналарнинг умумий миқдори икки барабар, жумладан металл қир-қувчи ускуналар уч марта кўпайтирилди.

Конструкторлар икддий изланишни тинмай давом эттирдилар. Улар ишлаб чиқарилаётган прицеплар конструкториясини муттасил такомиллаштириб борилад. Оқибатда ҳар бир машинага кетадиган металл ҳажмининг деярли 10 процент камайишиш ва уларни эксплуатация қилиш муқддатини уч барабар узайтиришга муваффақ бўлинди.

Маълумки, меҳнат унвдорлигини ошириш ва махсуслот таннархини камайитиришнинг муҳим омилларидан бири ишлаб чиқариш сарф-ҳаражатларини кескин камайитиришдир. Шу туфайли коллектив ўртада машиналарга сарфланадиган меҳнат ҳаражатиини қисқартириш ҳаражати кизгин тус олди. Бу ишга ҳамма ўз қўлидан келганича ҳисса қўшди. Етти йилликнинг биринчи йилида ҳар бир прицепни тайёрлаш учун ўртача 305 норма-соат сарфланган эди. Ҳозир эса бир машинага атиги 91 норма-соат вақт кетмоқда. Демак, машиналарнинг меҳнат сарфиёти тўрт йили ичида қарийб 3,4 барабар камайган!

Изланганга толе ёр, дейдилар. Астойдил тер тўққан киши, албатта, ўз меҳнатининг ширин мевасини тоғиб кўрмай иложин йўқ. Машинасозларнинг махсуслот ишлаб чиқаришни тинмай ошириш ва уларнинг таннархини камайитириш учун уринишлари, икддий изланишлари, фидокорона меҳнатлари ўз самараларини бермоқда. 1959 йили заводда атиги 300 та пахтани қоп-қанорсиз ташийдиган прицеп ишлаб чиқарилган эди, ҳолос. Бу йил коллектив камида 21 минг дона машина ишлаб чиқаришга аҳд қилган. Бу — 70 барабар кўп деган га! Шу йиллар ичида янги махсуслот ишлаб чиқариш ҳажми эса деярли уч барабар кўпайди.

Етти йилликнинг ўтган даврида корхонанинг бошқа техник-иқтисодий кўрсаткичлари ҳам сезиларли даражада яхшиланди. Жумладан, махсуслот таннархи шу йиллар ичида 17,3 процент камайди.

Шундай қилиб бир вақтлар қоқоқ, яримкустар ишлаб чиқаришга эга бўлган завод эндиликда республиканинг замонавий илгор техника ва механизация воситалари билан жиҳозланган ҳамда жиҳозланиб бораётган энг пешқадам машинасозлик корхоналаридан бири бўлиб қолди.

УЧҚУНДАН АЛАНГА

Завод коллективининг ўртак олсак арзийдиган ажойиб одати бор: бошқа корхоналарда рўй бераётган воқеалар, янгилик ва ташаббуслардан ҳамма кўз-қуллоқ бўлиб туради. Бирон хил ташаббус ёки ватанпарварлик ҳаракати йўқки, ташавтомашчилар ундан четда қолишган бўлсин.

Тошкент экскаваторчиларининг машиналарга кетадиган меҳнат сарфини кескин камайитириш ҳақида бошлаган «Инженерлик соати» ташаббусининг биринчи издошлари «Ташавтомаш» заводи инженер-техник ходимлари бўлиши десак хато қилмаймиз.

Корхонанинг ҳар бир инженер-техник ходими ўз қиладиган иши, эгаллаган лавозимидан қатъий назар икддий изланиш ҳисобига янгилик қилишга ва прицепларнинг меҳнат сарфиётини камида 2 минутга камайитириш юзасидан социалистик мажбурият олди. Дастлабки ҳом-қўт ҳисоб шунинг кўрсатмоқдаки, биргина шу янгилик туфайли корхона бу йил юз минг сўмлик фойда кўрди. Бу эса меҳнат унвдорлигини қўшмча равишда 11,1 процент ошириш имконини беради. Инженер ва техниклар сўзларини иш билан мустаҳкамламоқдалар. Ҳозирнинг ўзидаёқ улардан прицепнинг меҳнат сарфиётини камайитиришга қаратилган талайгина таклифлар тушди. Бу таклифларнинг ишлаб чиқаришга жорий қилиниши ҳисобига ҳар бир машинадан тўрт норма-соат иқтисод

қилинмоқда. Шундай қилиб, корхона инженер-техник ходимларининг яримдан кўпроги зиммасига олган мажбуриятини ортқи билан бажариб қўйди.

Завода бошқа жойларда бошланган ташаббусларни қўллаб-қувватлаш билангина қийофланиб қолинмади. Ташавтомашчиларнинг ўз ташаббусларини ва уларнинг издошлари ҳам бор. Яқинда бу ерда бошқа корхоналарда ҳам қўллаб-қувватласа бўладиган ажойиб ҳаракат бошланди. 2-механика цехининг тоқари ўртоқ И. Доғай ҳар бир ишчи ўз участкасида меҳнат унвдорлигини оширишга қаратилган шахсий комплекс тадбирлар планига эга бўлсин деган ҳаракат бошлади. Унинг ўзи бу соҳада шахсий намуна кўрсатмоқда. И. Доғай цилиндрларни бир йўла икки станокда чархларга ўтди. Бу янгилик ана шу операцияда меҳнат унвдорлигини деярли 20 процент оширди. Шу цех тоқари ўртоқ Н. Асанов резьбаларни қирқиш пайтида тўғрилаб турадиган махсус мослама тайёрлади ва ишлаб чиқаришга ўзи жорий қилди. Эндиликда бу тадбир унвдорлигини 15 процент оширмоқда. Бундай мисолларни қўллаб келтириш мумкин. Лекин ҳозир заводда 70 процентдан ортқ ишчи ўз шахсий планига эга эканлигини айтиб ўтиш билан қийофланмоқчимиз.

10-цехнинг В. Некрасов, К. Муставин, С. Ҳамбурзин ўртоқлар раҳбарлигидаги коммунистик меҳнат бригадаларининг аъзолари, шунингдек 7-цех ишчиларидан Э. Қосимов, Т. Бикова, В. Қиязов, Н. Шоқабаров, С. Юсупов ва бошқалар корхонада биринчи бўлиб эски нормаларини кайта қўриб чиқишни тақлиф этдилар. Ҳозир кўпгина ишчилар 9-23 процент оширилган норма асосида меҳнат қилишмоқда.

Булардан ташқари ҳозир корхонада бир-бирга ишлов методига ишлаш ҳаракати тўққинланмоқда. Бу янгиликнинг моҳияти шундаки, ҳар бир ишчи ёки бригада қилинган ишнинг миқдори ва сифатига ўзи жавобгар, уни топириш пайтида ҳужжатларини ҳам ўзи расмийлаштиради. Бу усул бракин кескин камайитиришда катта роль ўйнамоқда. Масалан, С. Ҳамбурзин бригадасида брак даражаси 8 процентдан 0,2 процентга камайди. К. Муставин бригадасида эса бракка мутлақо чек қўйилди.

Ушбу сатрларнинг авторлари меҳнат ва ишҳақи бўлимида саҳифа материалларини тайёрлаб ўтиришарди. Хонага ҳар гуруҳа ишчилар кириб келишди. Уларни боғина йигув цехининг прицеп ёки борларини йиғиш ва пайваландиш участкасида кўрганмиш.

— Илтимос билан келдик, — гап бошлади участка мастери В. Зинченко.

— Эшиттайлики?

— Ҳар биримизнинг смена нормамизни ўртача 4,7 процент оширилишни сўраймиз.

— Обдон ўйлаб кўрингларми? Уялиб қолманглар, тагин.

— Икмониятларимизни қайта-қайта чамалаб кўрдик. Ҳозир участкамизда топиришнинг 110—115 процентдан кам бажариладиган киши йўқ. Ишонаверинг, юзинини шувит қилмаймиз.

Уларнинг илтимосини қондирмай бўлармики! Ишчилар қичиб кетди. Орқаларидан қараб қолдик. Қалбимизни аллақандай илиқ бир ҳис қамраб олди. Ҳар бир ишчи онгда меҳнатга коммунистик муносабатда бўлишдек олижаноб фаилат шаклланиб бораётганлигини кўриб, қувонмасдан бўладими?!

Илгор техникага суянган ва ҳар бир янгиликни қўллаб-қувватлаб, ўз корхонасида уни дадил жорий этаётган коллектив зафар кетидан зафар кучмоқда. Шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида машинасозлар кўтга кинритган муваффақиятлар кишини қувонтиради. Етти ой ичида ўтган йилнинг шу давридагига қараганда меҳнат

унвдорлиги 15 процент ошди. Кеча машинасозлар навбатдаги муваффақиятини кўлга киритдилар: конвейердан етти йиллик бешинчи йилнинг 13 минг юзинчи прицепи туширилди!

Яқинда ажойиб хўш хабар тарқалди. «Ташавтомаш» заводи халқ хўжалиги кенгаши корхоналари ўртасидаги социалистик мусобақада биринчи ўрнини эгаллаганини учун республика Министрлар Совети ва Узоқпрофнинг кўчма Қизил байроғини тўртинчи марта сурункасига ўз қўлида сақлаб қолди.

ЯХШИ НИЯТ

Яхши ният — ярим мол. Завод коллективининг олижаноб ишида эзгу ният унга ҳамроҳ. Ўтган йилнинг май ойидан бери машинасозлар коммунистик меҳнат корхонаси номини олиш учун курашни тобора авж олдиarmoқдалар. Ҳозирнинг ўзидаёқ завод ходимларининг 80 процентдан ортқроғи «социалистик мусобақанинг энг олий формаси бўлган ана шу ҳаракатда иштирок этаётди.

Корхонада ҳар бир ишчининг малакасини оширишга эътибор берилаётгани қувончли ҳолдир. Завод ҳузурида кечки ишчи-ёшлар ўрта мактаби бор. Ҳар йилдан бир ишчи шу мактабда ўқийди. Бу йил 29 киши ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда завод ҳузуридаги машинасозлик техникумини тугатиб, техник, технолог дипломинини олди. Бундан ташқари практик мастерларнинг билимининг оширишга алоҳида эътибор берилаётган. Улар учун ҳафтасига 3 марта семинар ўтказиб турилади. Машинолотларни корхонанинг етакчи мутахассислари олиб борилади.

Ишчиларнинг турмуш шароитларини яхшилаш соҳасида ҳам талайгина тадбирлар амалга оширилди. Турар-жой бинолари қуриш кент кўламда олиб борилади. Фақатгина ўтган йили 148 оила янги квартирга кўчиб киди. Етти йиллик бошидан бери 5000 квадрат метрдан ортқ уй-жой қурилиб фойдаланишга топширилди. Бу йил эса 5057 квадрат метр, яъни ўтган тўрт йилдиган ҳам кўп миқдорда уй-жой қурилади. Шундай қилиб, яқин орада ишчилар посёлкаси барча кулайликлари муҳайе бўлган турар-жой микрорайонига айланади.

Ўтган йиллар мобайнида завод ҳар жиҳатдан юксалди, унинг кишилари ҳам ўсди. Корхонанинг ҳозирги кўпгина раҳбарлари ўз меҳнат фаолиятини олдий ишидан бошлаган, кейинчалик ўсиб-ўлғайиб масъулиятли лавозимларга кўтарилган кишилардир. Бир вақтлар оддий слесарь бўлган ўртоқ П. Ларин ҳозир цех бошлигининг ўринбосари ва завод касабаси союзи комитетининг раисидир. Ўртоқ Н. Волошин корхонага дастлаб токарь шогирди бўлиб келган эди. Эндиликда эса йирик цехлардан бирининг бошлиғи. Оддий машинистка ўртоқ Л. Петина ҳозир инженер-конструктор ва бўлим бошлиғи. Завод директорининг ўринбосари ўртоқ А. Ромалис ҳам меҳнат фаолиятини олдий технолог сифатида бошлаган эди. Оддий ишидан юқори малакали мутахассис даражасига кўтарилган кишилар ҳақида яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Ўқиниш ва меҳнатни чамбарчас боғлаб олиб бораётган коллектив ишлаб чиқариш топшириқларини муқом белгилангандан олдий ўришлатаётгани ва юқори кўрсаткичларга эришяётгани ҳам беиз эмас.

Ҳозир бутун коллективнинг диққат-эътибири етти йилликнинг бешинчи йили учун олдинги социалистик мусобақани бекам-кўст адо этишга қаратилган. Лекин шу билан бирга келаси йилдаги катта ишга ҳам пухта таралдуд қўйилапти. Ахир, янги йилга машинасозлар ялпи махсуслот ишлаб чиқариш планини бу йилга нисбатан тахминан 1,5 барабар, меҳнат унвдорлигини 20 процент оширишларни керак-да. 1964 йилда 25 мингта янги тиндаги «ТМЗ-793» маркали пахтани қоп-қанорсиз ташийдиган прицеп ишлаб чиқарилиши лозим. Бу ҳазиланам тат эмас. Шу сабабдан корхонада келаси йилнинг дастлабки кунлариданоқ тўла қувват билан ишлаш учун кўпгина тадбирлар амалга ошириляпти. Ҳозир заводнинг асосий корпусида технологик ускуналарнинг монтаж қилиш бошланди. Бу корпус 17 минг квадрат метр майдонни эгаллаган. Унда тайёрлаб, қозон-пресс, механика цехлари ва автомобилларга тиркалиб ишлатиладиган ярим прицепларни йиғиш участкаси жойлашади.

Бу корпус тўла ишга туширилгач, корхона лойиҳадаги қувватга шу йилдён эришиб олади ва йилга 25 мингта прицеп ишлаб чиқариш имкони тугилади.

Коммунистик меҳнат коллективини номини олиш учун бир жон-бир тан бўлиб, эзгу ният билан баракати ишлатган машинасозлар ўз мақсадларига эришишларига шубҳа қилмаса бўлади. Чунки, икддий бўлодек қайнаб турган бу меҳнатсевар коллектив ҳар бир ишчи қилишга қодир.

В. ШАБЕРТ

завод меҳнат ва иш ҳақи бўлимининг бошлиғи,

«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири,

Т. МИРХОДИЕВ

«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.



Саноат
САҲИФАСИ

